

**ЎзР ФА «ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИИЧБ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВ ЭЛМУРОД КУЧКАРБОВЕВИЧ**

**ГАДОЛИНИЙ  $A=156,158,160$  ИЗОТОПЛАРИ РОТАЦИОН  
ҲОЛАТЛАРИНИНГ ҲОССАЛАРИ**

**01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси.  
Тезлаштирувчи техника**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физико-математическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
physical and mathematical sciences**

**Юсупов Элмурод Кучкарбоевич**

Гадолиний  $A=156,158,160$  изотоплари ротацион ҳолатларининг  
ҳоссалари..... 3

**Юсупов Элмурод Кучкарбоевич**

Свойства ротационных уровней  $A=156,158,160$  изотопов гадолиния .... 23

**Yusupov Elmurod Kuchkarboyevich**

Properties of rotation states of  $A=156,158,160$  isotopes gadolinium..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎзР ФА «ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИИЧБ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВ ЭЛМУРОД КУЧКАРБОЕВИЧ**

**ГАДОЛИНИЙ  $A=156,158,160$  ИЗОТОПЛАРИ РОТАЦИОН  
ҲОЛАТЛАРИНИНГ ҲОССАЛАРИ**

**01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси.  
Тезлаштирувчи техника**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/FM255 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://fti-kengash.uz/>) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усманов Пазлитдин Нуритдинович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саидханов Насир Шакирович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Надирбеков Махмуджон Сулайманович**  
физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етақчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси «Физика-Қуёш» ИИЧБ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 2б-уй, Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: [info.fti@uzsci.net](mailto:info.fti@uzsci.net), Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 2б-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Л. Лутпуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**Ж.С. Ахатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., катта  
илмий ходим

**К.Г. Гуламов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси  
ф.-м.ф.д., академик

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда жаҳонда атом ядроси физикаси билан боғлиқ ядро структурасини ўрганиш соҳасида кўплаб эксперимент маълумотлар мавжуд. Буларнинг кўп қисмини бир-бирига зид келмайдиган моделлар ёрдамида тушунтиришлар мавжуд. Деформацияланган жуфт-жуфт ядроларга таълуқли охириги эксперимент натижалар адиабатик назариядан яққол четланишлар мавжудлигини кўрсатади. Адиабатик назариядан катта четланишлар ротацион бандларнинг энергия спектрида ва ротацион банд ҳолатлари орасидаги тармоқланган электромагнит ўтишларда кузатилган. Кўп ҳолларда адиабатик назариянинг башоратлари эксперимент натижаларидан бир неча баробарга фарқ қилади. Бундай четланишларни бандларнинг Кориолис таъсир параметрлари бўйича паст тартибли ғалаёнлар назарияси асосида тушунтириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам деформацияланган ядролар ротацион ҳолатлари хусусиятларига Кориолис кучлари таъсирини ҳисобга олувчи феноменологик моделлар яратиш ва уларни такомиллаштириш орқали мавжуд эксперимент натижаларни тавсифлаш ядро структураси назарияси билан шуғулланувчи барча Жаҳон олимлари олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Бугунги кунда жаҳонда Ноёб Ер элементлари деформацияланган ядроларининг уйғонган ҳолатлари хусусиятларини назарий тадқиқ этишнинг долзарблиги ядронинг айланиш жараёни билан боғлиқ бўлган муаммолар тўлиқ тушуниб етилмаганлиги билан боғлиқ. Жуда юқори бўлмаган спинлардаги ноадиабатик эффектларни уйғониш энергиялари нисбатан катта бўлмаган чекланган сонли ҳолатларни Кориолис аралашувини ўрганувчи моделлар ёрдамида тушунтириш мумкин. Бундай моделлар ёрдамида коллектив бандларни боғлиқлиги кўплаб муаллифлар томонидан ўрганилган. Аммо аксарият ҳолларда улар энергия спектрини қуйи қисми ва аралашишда кам сонли ротацион бандлар иштирокини ўрганиш билан чегараланганлар. Шу сабабли кенг диапазондаги уйғониш энергияли ва бурчак моментли ҳолатларни спектрал ва электромагнит характеристикаларини тадқиқ қиладиган феноменологик ва микроскопик моделларни яратиш ҳамда мавжудларини имкониятларини янада кенгайтириш ниҳоятда долзарбдир.

Мамлакатимизда бугунги кунда ядро физикасини ривожлантириш, хусусан, атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси соҳасида тажрибавий ва назарий фундаменталь тадқиқотларни жаҳон даражасида амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз илм-фан ривожига ҳамда фундаменталь тадқиқот натижаларини ҳаётга тадбиқ қилиш учун фундаменталь тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегиясига<sup>1</sup> киритилган. Ушбу ишда олиб борилган тадқиқотлар, дунёда замонавий тадқиқотларнинг илғорларидан ҳисобланувчи ядровий физика муаммолари, ҳамда

---

<sup>1</sup> 2017 йил 07 февральдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

бошқариладиган термоядро жараёнлари физикаси, жумладан ядро энергетикаси билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Деформацияланган ядролар хусусиятларини ўрганишда феноменологик моделлар йўналишига кирувчи Бор ва Моттельсонлар томонидан таклиф қилинган ядронинг адиабатик модели муҳим роль ўйнади. Бу моделга асосан, деформацияланган ядроларнинг қуйи уйғонган ҳолатлари аксиаль-симметрик ядронинг бутунлигича айланиши билан боғлиқдир. Бир қатор, юқори спинли уйғонган ҳолатлар ядро сиртини тебраниши билан боғлиқ деб қаралади. Бундай оддий феноменологик талқин деформацияланган ядроларга таълуқли бўлган кўплаб экспериментал фактларни тушунтириш ва бир қатор янги хусусиятларни башорат қилиш имконини берди: Джолос Р.В. (Россия), Михайлов И.Н. (Россия), Михайлов В.М. (Россия), Нестеренко В. (Россия), Briançon Ch. (Франция), Квасил Я. (Чехия), Арима А. (Япония), Сафаров Р.Х. (Ўзбекистон), Шарипов Ш. (Ўзбекистон), Чориев Б. (Ўзбекистон), Усманов П.Н. (Ўзбекистон), Надирбеков М. С. (Ўзбекистон).

Ядро ҳолатларининг кенг диапазондаги бурчак моментларини экспериментал тадқиқотидаги катта имкониятлар ядро структурасини ўрганишда янги йўналишларни вужудга келишига сабаб бўлди. Экспериментнинг охириги натижалари адиабатик назариядан аниқ четланишлар мавжудлигини кўрсатди. Адиабатик назария қонунларидан катта четланишлар уйғонган ҳолатларнинг ротацион бандлари энергияларида ва ротацион бандлар орасидаги тармоқланган электромагнит ўтишларида яққол намоён бўлади. Кўп ҳолларда адиабатик назариянинг башоратлари эксперимент натижалардан бир неча фоизга ва баъзи ҳолларда бир неча баробарга фарқ қилади: Питц Х.Х. (Германия), Полумба Ф. (Германия), Весселборг С. (Германия), Зильгес А. (Германия), Апрахамиан А. (АҚШ), Лешер С. Р. (АҚШ), Говор Л. И. (Россия), Демидов А. М. (Россия), Михайлов И. В. (Россия).

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ОТ-Ф2-75 «Деформацияланган ўта оғир,

трансуран ва ноёб Ер элементлари ядролари ротацион ҳолатларининг хусусиятларини тадқиқоти» (2017-2020), FRGS13 «Dynamics of Excited States of Deformed Nuclei in Transuranium and Rare-Earth Regions» (2013-2016) илмий фундаменталь лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** деформацияланган жуфт-жуфт ноёб Ер элементлари ядролари коллектив ҳолатларининг энергиялари ва электромагнит хусусиятларидаги ноадиабатикликни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гадолиний  $A=156,158,160$  изотоплари инерция моментларини ҳисоблаш учун эффектив методни аниқлаш;

адиабатик ротацион бандларни инерция моментларини бир хил деб ҳисоблаб, экспериментда мавжуд барча  $K^\pi = 0^+, 2^+$  ва  $1^+$  бандлар Кориолис аралашувини эътиборга олувчи феноменологик модель ёрдамида ротацион ҳолатлар энергияларини назарий қийматларини, ҳамда тўлқин функцияларини ҳисоблаш;

ротацион бандлар ичидаги ва бандлар ўртасидаги  $E2$ –ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини, ҳамда уларнинг нисбатларини ҳисоблаш ва уларни эксперимент натижалари билан солиштириш;

ротацион ҳолатларнинг магнит хусусиятларини – магнит моментлари,  $g_R$  –факторини, мультиполь аралашув коэффициенти  $\delta(E2/M1)$ , ротацион бандлар ичидаги ва бандлар ўртасидаги  $M1$ –ўтишлар келтирилган эҳтимолликларини феноменологик модель доирасида назарий қийматларини таҳлил қилиш;

экспериментал натижаларнинг таҳлили ва уларда ноадиабатикликни намоён бўлишини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** гадолиний  $A=156,158,160$  изотоплари.

**Тадқиқотнинг предмети** гадолиний  $A=156,158,160$  изотопларининг мусбат жуфтликдаги ротацион банд ҳолатлари энергиялари, Кориолис аралашуви, электр ва магнит ўтишларнинг эҳтимолликларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Квант механикасининг математик аппарати, сонли методи ва ФОРТРАН тилида дастурлаш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Кориолис аралашувини ҳисобга олувчи феноменологик модель бандларнинг инерция моментларини бир деб олиб, ҳамда Гамильтон оператори базис ҳолатлар диапазонини кенгайтириш асосида такомиллаштирилди. Шу модель доирасида ноёб Ер элементлари ядролари мусбат жуфтлик ҳолатлари энергия спектри ва электромагнит хусусиятларини талқин этишнинг мукамаллашган янги параметрлаш усули таклиф этилди;

илк бор  $^{156,158,160}\text{Gd}$  изотопларини қуйи жойлашган  $K^\pi = 0^+$  банд ҳолатларидан электр квадруполь ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари нисбатларида ноадиабатиклик кескинроқ намоён бўлиши сабаблари кўрсатилган;

экспериментда кузатилган  $K^\pi = 0_{2,3}^+, 2_1^+$  банд ҳолатларини магнит хусусиятлари бўлган мультиполь аралашув коэффиценти  $\delta(E2/M1)$  ҳамда асосий банд ҳолатларига  $M1$ –ўтишлар келтирилган эҳтимолликлари  $K$  –таъқиқланган ўтишлар орқали илк бор тушунтирилди;

илк бор гадолийни  $A=156,158,160$  изотоплари  $K^\pi = 0_{2,3}^+, 2_1^+$  ротацион бандларида янги ҳолатлар ва  $A=158$  изотопида характеристикалари  $K^\pi = 1^+$  бўлган кўшимча ҳолатларни мавжуд бўлишлиги назарий башорат қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экспериментда маълум ва инерция моментлари бир-хил бўлган ротацион бандларнинг Кориолис аралашувини ҳисобга олувчи феноменологик модель гамилтониани ноёб Ер элементлари жуфт-жуфт ядроларининг мусбат жуфтлилиқ ҳолатлари энергия спектри ва электромагнит хусусиятларини янада яхши талқин этиш учун такомиллашган янги параметрлаш усули таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган натижаларни батафсил солиштирилганда эксперимент натижалари ва бошқа муаллифлар натижалари билан мувофиқлиги, назарий ядро структураси назарияси асослари ҳулосаларига мослиги, назарий физика ва квант механикаси усуллари, ҳамда юқори эффективли «фортран» дастури ва сонли усулларнинг қўлланилишига асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги параметрлаш усули орқали такомиллашган модель асосида деформацияланган жуфт-жуфт ядроларнинг замонавий экспериментларда олинган спектроскопик характеристикаларини таҳлили билан аниқланади ва бу натижаларни ядронинг янги уйғонган ҳолатларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон ФА ЯФИ лабораторияларида, Бирлашган Ядро Тадқиқотлар Институтининг (Дубна, Россия) назарий физика, ядро муаммолари ва ядро реакциялари лабораторияларида, МТМ Курчатов институти (Москва, Россия) лабораторияларида, Дармштадт ва Мюнхен (Германия) физика институтларида, ОРСЭ (Франция), Мичиган ва Кентуки университетлари (АҚШ) лабораторияларида олинган натижаларни физик асосида тушунишда ҳамда диссертацияда башорат қилинган янги ҳолатларни экспериментда аниқлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гадолийни  $A=156,158,160$  изотоплари ротацион ҳолатларининг ҳоссалари бўйича олинган илмий ҳулосалар асосида тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

гадолийнинг  $A = 156,158,160$  изотопларини ротацион ҳолатлари инерция моментларига оид олинган янги натижалар халқаро олимлар томонидан илмий журналда (Journal Sains Malaysiana, 2022) жуфт-жуфт деформацияланган ядроларда квантланган марказдан қочирма чўзилишни ротацион спектрга таъсирини ўрганишда фойдаланилган;

мультиполь аралашув коэффициенти  $\delta(E2/M1)$ , ротацион бандлар ичидаги ва бандлар ўртасидаги  $M1$ – ва  $E2$ – ўтишлар келтирилган эҳтимолликлари FRGS19-039-0647 «Dynamics of excited states of neutron-rich well-deformed lanthanide nuclei» 2019/2022 (Халқаро Малайзия Ислон Университетининг 2021 йил 18 ноябрдаги маълумотномаси) фундаменталь лойиха доирасида фойдаланилган;

инерция моментларини Харрисни икки параметрли формуласидан фойдаланиб аниқланган натижалар ва ротацион бандлар Кориолис аралашувини эътиборга олувчи феноменологик модель ёрдамида олинган тўлқин функциялар FRGS19-039-0647 «Dynamics of excited states of neutron-rich well-deformed lanthanide nuclei» 2019/2022 (Халқаро Малайзия Ислон Университетининг 2021 йил 18 ноябрдаги маълумотномаси) фундаменталь лойиха доирасида фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши деформацияланган ядроларнинг айланма ҳолатлари спектрининг нозик структурасини аниқлашга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва маҳаллий илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 86 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари кўрсатилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Энергия ва ҳолатлар структурасини таҳлили**» деб номланган биринчи бобида тадқиқ этилаётган  $^{156,158,160}\text{Gd}$  изотопларининг ротацион банд ҳолатларининг энергиялари, инерция моментлари, квадруполь моментлари, электр характеристикалари, хусусан ротацион бандлар ичидаги ва бандлар орасидаги квадруполь ўтиш эҳтимолликлари бўйича адабиётларда келтирилган натижалар таҳлил қилинган.

Фойдаланилган феноменологик модель Гамильтон оператори қуйидаги кўринишга эга:

$$H = H_{\text{rot}}(I^2) + H_{KK'} \quad (1)$$

$$H_{K,K'} = \omega_K \delta_{K,K'} - \omega_{\text{rot}}(I) \langle K | \hat{j}_x | K' \rangle \chi(I, K) \delta_{K,K' \pm 1}, \quad (2)$$

бу ерда  $\omega_{\text{rot}}(I) = dE_{\text{core}}(I)/dI$  – ўзак айланма ҳаракати бурчак частотаси,  $j_x$  – ички бурчак моментини  $X$  ўқиға проекцияси ва  $\omega_K$  – ротацион бандларнинг бош энергия қийматлари ва

$$\chi(I, 0) = 1, \quad \chi(I, 1) = \left| 1 - \frac{2}{I(I+1)} \right|^{1/2} \quad (3)$$

Гамильтониан операторининг хусусий тўлқин функцияси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{aligned} |IMK\rangle = & \sqrt{\frac{2I+1}{16\pi^2}} \left\{ \sqrt{2} \Psi_{0,1,K}^I D_{M,0}^I(\theta) + \right. \\ & \left. + \sum_{K'} \frac{\Psi_{K',K}^I}{\sqrt{1+\delta_{K',0}}} \left[ D_{M,K'}^I(\theta) b_{K'}^+ + (-1)^{I+K'} D_{M,-K'}^I(\theta) b_{-K'}^+ \right] \right\} |0\rangle \end{aligned} \quad (4)$$

бу ерда  $D_{M,K'}^I(\theta)$  – умумлашган сферик функция,  $\Psi_{K',K}^I$  – Гамильтон оператори базасига киритилган ротацион банд ҳолатларининг амплитуда аралашув коэффициентлари. Базис ҳолатлари асосий  $|0\rangle$  – вакуум  $b_K^+$  оператор учун.

Шрёдингер тенгламасини

$$(H_{K,v} - \varepsilon_v) \psi_{K,v} = 0 \quad (5)$$

ечиб, мусбат жуфтликлик ротацион ҳолатларни хусусий энергиялари ва тўлқин функцияларини аниқлаймиз.

Ҳолатнинг тўла энергияси қуйидагича топилади:

$$E_v(I) = E_{\text{rot}}(I) + \varepsilon_v(I) \quad (6)$$

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларга асосан, Бор–Моттельсон ва Бенгтссон–Фрауендорфлар, ядро ўзагининг айланиш энергиялари қуйи спинларда асосий банд ҳолат энергиялари билан мос тушишини исботлашган. Шунинг учун ўзакнинг инерция параметрларини қуйидаги Харриснинг икки параметрли формула ёрдамида асосий банднинг экспериментал энергиялари асосида аниқлаймиз:

$$E_{\text{rot}}(I) = \frac{1}{2} \mathfrak{I}_0 \omega_{\text{rot}}^2(I) + \frac{3}{4} \mathfrak{I}_1 \omega_{\text{rot}}^4(I) \quad (7)$$

$$\sqrt{I(I+1)} = \mathfrak{I}_0 \omega_{\text{rot}}(I) + \mathfrak{I}_1 \omega_{\text{rot}}^3(I), \quad (8)$$

бу ерда  $\mathfrak{I}_0$  ва  $\mathfrak{I}_1$  ўзакнинг инерция параметрлари бўлиб, уларни аниқлашнинг турли методлари мавжуд.

Ҳисоблашлар  $A=156,158,160$  ядролари учун амалга оширилган. Мазкур изотоплар асосий банд экспериментал энергияларининг  $I \leq 10\hbar$  гача бўлган қийматларидан фойдаланиб, (7) формула ёрдамида кичик квадратлар методи билан инерция параметрлари  $\mathfrak{I}_0$  ва  $\mathfrak{I}_1$  ҳисобланган энергиянинг эксперимент билан мослиги асосида аниқланган. 1-жадвалда биринчи уйғонган ҳолат энергияларининг  $E_{2^+}$  ва квадруполь моментларининг экспериментал қийматлари  $Q_0$  ҳамда инерция параметрлари  $\mathfrak{I}_0$  ва  $\mathfrak{I}_1$  нинг ҳисобланган қийматлари келтирилган. Изотопларда нуклонлар сони  $A$  ни қиймати ортиб боргани сари  $\mathfrak{I}_0$  ҳам монотон ортиб боради. Монотон бўлмаган боғланишни  $\mathfrak{I}_1$  учун кузатиш мумкин. Олинган натижалардан шуни кўриш мумкинки, ядроларининг деформация даражаси қанча юқори бўлса, яъни квадруполь моменти қанча юқори бўлса,  $\mathfrak{I}_0$  параметр шунча юқори ва биринчи уйғонган ҳолатининг энергия қиймати эса шунча паст бўлади.

### 1-жадвал

**Ҳолат энергияларини ҳисоблашда фойдаланилган модель параметрлари:**


$E_{2^+}$  –изотопларнинг уйғонган биринчи  $I^\pi = 2^\pi$  ҳолатининг энергияси;

$Q_0$  – ядронинг квадруполь моменти;  $\mathfrak{I}_0, \mathfrak{I}_1$  – айланувчи ўзакнинг инерция параметрлари


A	$\mathfrak{I}_0, \text{МэВ}^{-1}$	$\mathfrak{I}_1, \text{МэВ}^{-3}$	$E_{2^+} (\text{кэВ})$	$Q_0, \text{е Фм}^2$
156	33.33	169.47	88.97	687
158	37.52	107.00	79.51	703(4)
160	39.724	83.488	75.26	722(29)

1-расмда  $^{156}\text{Gd}$  изотопининг  $\mathfrak{I}_{\text{эфф}}(I)$  ва  $\mathfrak{I}(I) = \mathfrak{I}_0 + \mathfrak{I}_1\omega^2(I)$  ларни бурчак айланиш частотаси квадрати  $\omega_{\text{rot}}^2(I)$  га боғлиқлик графиклари келтирилган. Бурчак айланиш частотаси юқори қийматларида улар орасидаги фарқ борлиги, яъни ноадиабатиклик кузатилади. Худди шундай манзарани  $^{158,160}\text{Gd}$  ядроларида ҳам кўриш мумкин. Бу ноадиабатикликларни тушунтириш учун асосий ва барча экспериментда маълум бўлган ротацион бандлар ҳолатлари билан Кориолис аралашувини ҳисобга олиб феноменологик модель ёрдамида ҳисоблашлар амалга оширилган. Кориолис аралашувида иштирок этаётган барча адиабатик бандларнинг инерция параметрларини бир хил деб, юқорида аниқланган қийматга тенг деб олинган.


Тадқиқотда модель Гамильтон операторини ҳолатлар базасига  $A=156$  изотопи учун асосий  $(0_1^+)$ , бешта  $K^\pi = 0^+$ , иккита  $K^\pi = 2^+$  ва ўн бешта  $K^\pi = 1_v^+$ ,  $A=158$  изотопи учун асосий  $(0_1^+)$ , иккита  $K^\pi = 0^+$ , битта  $K^\pi = 2^+$  ва учта  $K^\pi = 1_v^+$ ,  $A=160$  изотопи учун асосий  $(0_1^+)$ , иккита  $K^\pi = 0^+$ , битта  $K^\pi = 2^+$



1-расм. Инерция моменти  $\mathcal{I}_{эфф}(I)$  ва  $\mathcal{I}(I)$  ларни бурчак айланиш частотаси квадрати  $\omega_{rot}^2(I)$  га боғлиқлиги.



2-расм.  $^{156}\text{Gd}$  изотопининг назарий ва эксперимент энергия қийматларини таққослаш.



3-расм.  $^{158}\text{Gd}$  изотопининг назарий ва эксперимент энергия қийматларини таққослаш.

ва ўн битта  $K^\pi = 1_1^+$  ротация бандлари киритилган.  $^{156}\text{Gd}$  ядроси учун Гамильтон оператори  $(23 \times 23)$  ўлчамли,  $^{158}\text{Gd}$  учун Гамильтон оператори  $(7 \times 7)$  ўлчамли,  $^{160}\text{Gd}$  учун Гамильтон оператори  $(15 \times 15)$  ўлчамли матрицалар кўринишига эга бўлиб, уларни сонли метод билан диагоналлаштирилиб, ротация банд ҳолатларини энергия ва тўлқин функциялари ҳисобланган.

2 ва 3 расмларда  $^{156,158}\text{Gd}$  ядроларининг ротацион ҳолатлари ҳисобланган энергиялари келтирилган ва эксперимент қийматлари билан таққосланган. Таққослашлардан кўриниб турибдики биз фойдаланган модель ўрганилган ядроларнинг уйғонган ҳолатлар энергиялари эксперимент қийматларини яхши аниқликда ҳисоблай олади.

Расмлардан кўриниб турибдики  $^{156}\text{Gd}$  изотопида  $K^\pi = 0_2^+$  банд  $K^\pi = 2_1^+$  бандга нисбатан пастда жойлашган ва бу икки банд  $K^\pi = 0_3^+$  билан жуда яқин

жойлашган.  $^{158}\text{Gd}$  ва  $^{160}\text{Gd}$  изотопларида аксинча  $K^\pi = 2_1^+$  банд  $K^\pi = 0_2^+$  банддан пастда ва бир-бирига яқин жойлашган.

Асосий банд ( $0_1^+$ ) нинг юқори спинли ҳолатларида назария ва эксперимент орасида тафовут ортиб бориши кузатилган. Бу айланма ҳаракат бурчак частотаси юқори бўлганда, ядронинг айланишини унинг ички структурасига таъсирини ҳисобга олиш зарурлиги туфайли бўлиши мумкин.

Гадолиний  $^{156}\text{Gd}$  изотопи  $K^\pi = 2_1^+$  банднинг  $\psi_{K',K}^I$  амплитуда аралашув коэффициентларини қийматлари 2-жадвалда келтирилган. Жадвалда банднинг фақатгина  $K^\pi = 1_1^+$  компонентаси  $\psi_{1,K}^I$  гина киритилган. Чунки бандларнинг қолган  $\psi_{1_v,K}^I$  компоненталарини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\psi_{1_v,K}^I = \psi_{1,K}^I \frac{\omega_{1_1} - \omega_K}{\omega_{1_v} - \omega_K} \quad (9)$$

Жадвалдан кўришиб турибдики, юқорида муҳокама қилинган бандларнинг бош энергиялари қанча яқин бўлса, уларнинг Кориолис аралашуви шунча юқори бўлади.  $K^\pi = 2_1^+$ ,  $0_2^+$  ва  $0_3^+$  бандларнинг бош энергиялар яқин бўлганлиги учун уларнинг Кориолис аралашуви коэффициентлар ҳам сезиларли микдордаги қийматларга эга бўлади.

## 2-жадвал

$^{156}\text{Gd}$  изотопини  $K^\pi = 2_1^+$  банд ҳолатлари  $\psi_{K2_1^+}^I$  амплитуда аралашув коэффициентлари

$I$	$K$							
	$0_1^+$	$0_2^+$	$0_3^+$	$0_4^+$	$0_5^+$	$1_1^+$	$2_1^+$	$2_2^+$
2	0.0021	0.0954	-0.0144	-0.0076	-0.0029	-0.0116	-0.9949	-0.0005
3	-	-	-	-	-	-0.0209	-0.9987	-0.0013
4	0.0052	0.2667	-0.0352	-0.0191	-0.0073	-0.0168	-0.9620	-0.0014
5	-	-	-	-	-	-0.0328	-0.9967	-0.0032
6	0.0070	0.3819	-0.0460	-0.0253	-0.0096	-0.0164	-0.9217	-0.0019
7	-	-	-	-	-	-0.0424	-0.9945	-0.0053
8	0.0078	0.4465	-0.0510	-0.0283	-0.0108	-0.0149	-0.8920	-0.0021
9	-	-	-	-	-	-0.0504	-0.9921	-0.0076
10	0.0082	0.4841	-0.0536	-0.0298	-0.0114	-0.0136	-0.8721	-0.0022
11	-	-	-	-	-	-0.0572	-0.9898	-0.0097
12	0.0085	0.5078	-0.0551	-0.0307	-0.0117	-0.0124	-0.8585	-0.0023
13	-	-	-	-	-	-0.0630	-0.9875	-0.0119
14	0.0087	0.5237	-0.0560	-0.0313	-0.0119	-0.0115	-0.8489	-0.0023
15	-	-	-	-	-	-0.0682	-0.9854	-0.0139
16	0.0088	0.5350	-0.0566	-0.0317	-0.0121	-0.0108	-0.8418	-0.0024
17	-	-	-	-	-	-0.0727	-0.9833	-0.0158
18	0.0089	0.5435	-0.0571	-0.0320	-0.0122	-0.0102	-0.8363	-0.0024
19	-	-	-	-	-	-0.0768	-0.9812	-0.0177
20	0.0089	0.5500	-0.0574	-0.0322	-0.0123	-0.0097	-0.8321	-0.0024

Диссертациянинг «<sup>156,158,160</sup>Gd изотопларининг электр характеристикалари» деб номланган иккинчи бобида олдинги бобда кенг ёритилган феноменологик модель ёрдамида ҳисобланган, келтирилган ва таҳлил қилинган тўлқин функциясидан фойдаланиб, бандларнинг Кориолис ўзаро таъсирлашувини ҳисобга олиб, ротацион бандларнинг ичидаги ва бандлар орасидаги электр квадруполь ўтиш эҳтимолликлари таҳлил қилинган.

Маълум бошланғич  $\langle I_i K_i |$  ҳолатдан  $\langle I_f 0_1 |$  асосий бандни  $I_f$  спинли ҳолатига келтирилган  $E2$  – ўтиш эҳтимоллиги учун ифода биз фойдаланаётган модель доирасида қуйидаги кўринишга эга:

$$B(E2; I_i K_i \rightarrow I_f 0_1) = \left\{ \sqrt{\frac{5}{16\pi}} eQ_0 \left[ \Psi_{0_1,0_1}^{I_f} \Psi_{0_1,K_i}^{I_i} C_{I_i,0;20}^{I_f 0} + \sum_n \Psi_{K_n,0_1}^{I_f} \Psi_{K_n,K_i}^{I_i} C_{I_i,K_n;20}^{I_f K_n} \right] + \sqrt{2} \left[ \Psi_{0_1,0_1}^{I_f} \sum_n \frac{(-1)^{K_n} m_{K_n} \Psi_{K_n,K_i}^{I_i} C_{I_i,K_n;2-K_n}^{I_f 0}}{\sqrt{1+\delta_{K_n,0}}} + \Psi_{0_1,K_i}^{I_i} \sum_n \frac{m_{K_n} \Psi_{K_n,0_1}^{I_f} C_{I_i,0;2K_n}^{I_f K_n}}{\sqrt{1+\delta_{K_n,0}}} \right] \right\}^2 \quad (10)$$

$m_{K_n} = \langle 0_1 | \hat{m}(E2) K_n | \rangle$  – асосий банд ( $0_1^+$ ) ва (1) Гамильтон операторига киритилган қолган  $K_n$  – бандлар ички тўлқин функциялари орасида  $E2$  – оператор матрица элементлари,  $C_{I_i K; 2K_i + K_f}^{I_f K_f}$  – Клебш-Гордан коэффицентлари.

Ротацион ҳолатларнинг  $I = 2$  спинли ҳолатлари учун Кориолис ўзаро таъсири жуда кичик бўлиб,  $E2$  – ўтишларда муҳим роль ўйнамайди. Шунинг учун  $m_{0_i}$  ва  $m_{2_i}$  параметрларнинг сонли қийматларини  $E2$  – ўтиш келтирилган эҳтимоллигини адиабатик формуласи ёрдамида  $B(E2; 2K_i \rightarrow 00_1)$  нинг эксперимент қийматларидан фойдаланиб аниқланди.

Адиабатик формула юқоридаги параметрларни абсолют қийматини аниқлайди, лекин ишорасини аниқлаб бўлмайди.

$K^\pi = 1_v^+$  ротацион банд ҳолатларидан асосий бандга  $E2$  – ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларининг эксперимент қийматлари мавжуд эмас. Шунинг учун  $m_{1_v}$  параметрларнинг сонли қийматларини ҳамда  $m_{2_i}$  параметрларни ишоралари  $K^\pi = 2_1^+$  банднинг тоқ спинли ҳолатларидан асосий банд ҳолатига  $E2$  – ўтишлар келтирилган эҳтимолликларининг нисбати  $R_{I_2_1}$  учун маълум бўлган эксперимент натижаларга назарий қийматларни мос келишига асосланиб аниқланди. Барча ҳолларда  $m_{1_v}$  параметрлар бир-хил қийматга эга деб қаралди: яъни  $m_1 = m_{1_v}$ .  $m_{0_i}$  параметрларнинг ишоралари  $K^\pi = 0_2^+ -$ ,  $0_3^+ -$  ва  $K^\pi = 2_1^+ -$  бандларнинг жуфт спинли ҳолатларидан  $E2$  – ўтиш эҳтимолликларининг эксперимент ва назарий натижалар билан ўзаро мос келишига асосланиб аниқланди.

3-жадвалда  $^{156}\text{Gd}$   $K^\pi = 2_1^+, 0_2^+ -$  ва  $0_3^+$  банд ҳолатларидан асосий банд ҳолатларига келтирилган эҳтимолликлар  $E2$  – ўтишлар учун бизни ҳисоблаган қийматларимиз берилган ва мос эксперимент натижалар келтирилган. Ўтиш эҳтимолликларининг экспериментал қийматлари  $K^\pi = 2_1^+$ , банд ҳолатлари учун  $I=5$  спингача,  $K^\pi = 0_2^+$  ва  $K^\pi = 0_3^+$  бандлар учун  $I=4$  гача бўлган ҳолатлар учун маълум. Таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда экспериментда олинган натижаларнинг хатоликлари катта. Бизни  $2^+0_2 \rightarrow 4^+0_1$  ва  $4^+0_2 \rightarrow 6^+0_1$  ўтишлар учун ҳисоблаган  $B(E2)$  қийматлари экспериментдан анча кичик. Бундай баъзи номуносивликка қарамай умуман олганда бизни ҳисоблаган назарий қийматларимиз эксперимент билан мослигини қониқарли деб ҳисоблаш мумкин.

### 3-жадвал

$^{156}\text{Gd}$  изотопи  $K^\pi = 2_1^+ -$ ,  $0_2^+ -$   $0_3^+ -$  банд ҳолатларидан  $E2$  – ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари

$I_i K_i$	$I_f K_f$	$B(E2), e^2 \text{Фм}^4$			
		Эксперимент	Эксперимент	Эксперимент	Назария
$2^+2_1$	$0^+0_1$	222(11)	233(8)	175(35)	237
$2^+2_1$	$2^+0_1$	355(19)	361(13)	255(55)	354
$2^+2_1$	$4^+0_1$	32(3)	38(2)	40(9)	43
$3^+2_1$	$2^+0_1$	364(17)	364(70)	385(75)	379
$3^+2_1$	$4^+0_1$	280(60)	255(50)	255(55)	264
$4^+2_1$	$2^+0_1$	78(9)	90(+20, -25)	95(25)	151
$4^+2_1$	$4^+0_1$	460(50)	509(+115, -145)	565(155)	346
$5^+2_1$	$4^+0_1$	295	399(+1000, -250)	500(380)	283
$5^+2_1$	$6^+0_1$	410(40)	549(+1700, -400)	745(565)	369
$2^+0_2$	$0^+0_1$	31.6(18)	31.4(30)	43(15)	51
$2^+0_2$	$2^+0_1$	164(16)	165(15)	235(75)	106
$2^+0_2$	$4^+0_1$	181(17)	205(20)	275(95)	33
$4^+0_2$	$2^+0_1$	61(7)	65(+25, -35)	79(32)	81
$4^+0_2$	$4^+0_1$	140(13)	–	159(61)	162
$4^+0_2$	$6^+0_1$	91(14)	105(+35, -55)	130(50)	5
$2^+0_3$	$0^+0_1$	15.4(14)	15.4(2)	11(4)	25
$2^+0_3$	$2^+0_1$	$8.4^{+24}_{-19}$	21(+3, -2)	4.3(17)	57
$2^+0_3$	$4^+0_1$	210(25)	215(25)	153(58)	153
$4^+0_3$	$2^+0_1$	15(4)	–	–	26
$4^+0_3$	$4^+0_1$	230(20)	–	–	75
$4^+0_3$	$6^+0_1$	370(30)	–	–	167

4-жадвалда  $^{156}\text{Gd}$  учун келтирилган ўтиш эҳтимолликлари нисбати  $R_{IK} = B(E2; IK \rightarrow I_1 0_1) / B(E2; IK \rightarrow I_2 0_1)$  нинг  $K_i^\pi = 2_1^+, 0_2^+$  ва  $0_3^+$  банд ҳолатларидан асосий банд ҳолатларига ўтишлардан назарий ва эксперимент қийматлари берилган ва улар орасидаги жуда яхши мосликни кузатиш мумкин. Бу жадвалда  $R_{IK}$  нинг адиабатик назария асосида ҳисобланган қийматлари ҳам келтирилган. Нисбат  $R_{IK}$  нинг адиабатик ва бизни ҳисоблаган назарий қийматлар орасидаги фарқ хатто спиннинг кичик қийматларида ҳам каттадир. Бу  $K_i^\pi = 2_1^+, 0_2^+$  ва  $0_3^+$  банднинг бош энергиялари бир-бирига жуда яқин жойлашганлиги билан боғлиқдир. Нисбат  $R_{IK}$  нинг  $K^\pi = 0_2^+$  банд ҳолатларидан ўтишлар учун қийматлари бошқа бандларга нисбатан кескинроқ фарқ қилади. Бунинг сабаби  $K^\pi = 0_2^+$  банднинг коллективлиги энергияси бўйича яқин жойлашган  $K^\pi = 2_1^+$  банд коллективлигига нисбатан сезиларли кичик эканлигидир.

Худди шундай ҳисоблашлар ва эксперимент натижалар билан таққослашлар  $^{158,160}\text{Gd}$  изотоплари учун ҳам амалга оширилган. Таққослашлар натижасида электр характеристикаларида намоён бўладиган ноадиабатиклик таҳлил қилинган.

#### 4-жадвал

$^{156}\text{Gd}$  изотопи  $K_i^\pi = 2_1^+, 0_2^+$  – ва  $0_3^+$  – ротацион банд ҳолатларидан асосий банд ҳолатларига  $E2$  – ўтиш эҳтимоллик нисбатлари  $R_{IK} = B(E2; IK \rightarrow I_1 0_1) / B(E2; IK \rightarrow I_2 0_1)$

$IK$	$I_1 0_1$	$I_2 0_1$	$R_{IK}$ (Эксперимент)	Назария	Алага қоидаси
$2^+ 2_1$	$2^+ 0_1$	$0^+ 0_1$	1.55(1) 1.75(55) 1.54(5) 1.56(17)	1.50	1.43
$2^+ 2_1$	$4^+ 0_1$	$2^+ 0_1$	0.106(3) 0.101(6) 0.105(3)	0.122	0.05
$3^+ 2_1$	$4^+ 0_1$	$2^+ 0_1$	0.70(3) 0.77(15) 0.56(21) 0.67(18)	0.70	0.40
$4^+ 2_1$	$4^+ 0_1$	$2^+ 0_1$	6.03(12) 5.9(6) 5.38(29) 5.81(24)	2.29	2.95
$4^+ 2_1$	$6^+ 0_1$	$4^+ 0_1$	0.046(8) 0.030(6)	0.33	0.09
$5^+ 2_1$	$6^+ 0_1$	$4^+ 0_1$	1.44(15) 1.40(16) 1.41(16) 1.45(19)	1.30	0.57

6 <sup>+2</sup> <sub>1</sub>	6 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	5.9(14) 3.7(3)	2.05	3.71
7 <sup>+2</sup> <sub>1</sub>	8 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	6 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2.0(12)	1.92	0.67
9 <sup>+2</sup> <sub>1</sub>	10 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	8 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2.5(12)	2.57	0.73
2 <sup>+0</sup> <sub>2</sub>	2 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	0 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	5.50(38) 5.06(51) 5.26(25)	2.10	1.43
2 <sup>+0</sup> <sub>2</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	1.18(8) 1.10(11) 1.17(5)	0.31	1.8
4 <sup>+0</sup> <sub>2</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2.20(17) 2.30(22) 2.94(35)	2.01	0.91
4 <sup>+0</sup> <sub>2</sub>	6 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	0.71(33) 0.65(9) 0.7(3)	0.2	1.75
6 <sup>+0</sup> <sub>2</sub>	6 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	1.59(50) 1.2(8)	1.76	0.81
8 <sup>+0</sup> <sub>2</sub>	8 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	6 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	1.98(22)	1.32	0.59
10 <sup>+0</sup> <sub>2</sub>	10 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	8 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	18.5 (13) >1.7	0.95	0.74
2 <sup>+0</sup> <sub>3</sub>	2 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	0 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	3.94(18) 0.55(17) 0.50(15)	2.30	1.43
2 <sup>+0</sup> <sub>3</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	3.58(12) 25(8) 28(8)	2.69	1.8
4 <sup>+0</sup> <sub>3</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	15(4) 16(5)	2.84	0.91
4 <sup>+0</sup> <sub>3</sub>	6 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	1.6(2) 3.0(3)	2.23	1.75
3 <sup>+2</sup> <sub>2</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	1.41(12)	0.95	0.40
4 <sup>+2</sup> <sub>2</sub>	4 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	2 <sup>+0</sup> <sub>1</sub>	7.19(102)	4.53	2.95

Диссертациянинг «<sup>156,158,160</sup>Gd изотопларининг магнит характеристикалари» деб номланган учинчи бобида феноменологик модель доирасида <sup>156,158,160</sup>Gd ядролар магнит характеристикалари – мультиполь аралашув коэффициенти  $\delta(E2/M1)$ , магнит диполь ўтишлар келтирилган эҳтимолликлари  $B(M1)$  ва асосий бандлар уйғонган ҳолатларини магнит моментлари  $\mu(I^+0_1)$ га ротацион бандларнинг Кориолис аралашуви қандай таъсир қилишини таҳлил қилинган. Хусусан ядронинг айланма ҳаракатини магнит характеристикаларига таъсири ўрганилган.

Магнит диполь келтирилган эҳтимолликларини  $I_i K_i$  уйғонган ҳолатдан асосий банднинг  $I_f 0_1$  ҳолатига ўтишлари феноменологик модель асосида куйидаги кўринишга эга:

$$B(M1; I_i K_i \rightarrow I_f 0_1) = \left( \frac{3}{4\pi} \right) \times \left( \sum_{K_1=1}^2 (g_{K_1} - g_R) K_1 \Psi_{K_1, K}^I \Psi_{K_1, 0_1}^{I'} C_{IK_1; 10}^{I'K_1} + \frac{\sqrt{6}}{10} \sum_{\nu} m'_{1\nu} (\Psi_{0_1, 0_1}^{I'} \Psi_{1\nu, K}^I - \Psi_{1\nu, 0_1}^I \Psi_{0_1, K}^{I'}) C_{11; 1-1}^{I'0} \right)^2, \quad (11)$$

бу ерда  $m'_{1\nu} = \langle 0_1^+ | \hat{m}(M1) | 1\nu^+ \rangle$  – асосий ( $0_1^+$ ) ва  $K^\pi = 1\nu^+$  бандлар ички тўлқин функциялари орасидаги матрица элементи;  $g_K - K \neq 0$  бандларнинг ички  $g$ -факторлари;  $g_R = Z/A$  – гиромангнит фактори бўлиб, ядронинг айланиши билан боғлиқ. Деформацияланган Ноёб Ер ва Трансуран элементлар области ядролари учун гиромангнит нисбатларининг систематикасига кўра  $g_R \approx 0.4 \pm 0.1$ .

